ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА СУБСИДИАРЛИК ПРИНЦИПИНИ ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Рахмонов Шерзод Толибович
Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгаши котибият мудири
Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
https://doi.org/10.5281/zenodo.21302959

Аннотация: Мазкур мақолада вакиллик ҳокимияти фаолиятида субсидиарлик принципининг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг демократик давлат бошқарувидаги аҳамияти ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига субсидиарлик принципини жорий этишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмлари баҳоланиб, халқ депутатлари Кенгашлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижалари маҳаллий демократияни ривожлантириш, давлат бошқарувини децентрализация қилиш ва вакиллик ҳокимияти институтини такомиллаштиришга хизмат қилади.
Калит сўзлар: субсидиарлик принципи, вакиллик ҳокимияти, халқ депутатлари Кенгашлари, маҳаллий давлат ҳокимияти, децентрализация, маҳаллий демократия, парламент назорати, маҳаллий бюджет, жамоатчилик иштироки, давлат бошқаруви.

МЕХАНИЗМЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПРИНЦИПА СУБСИДИАРНОСТИ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ПРЕДСТАВИТЕЛЬНОЙ ВЛАСТИ

Аннотация: В данной статье исследуются теоретико-правовые основы принципа субсидиарности и его значение в осуществлении представительной власти. Проанализированы зарубежный опыт применения принципа субсидиарности и современные механизмы его реализации в системе местных органов государственной власти Республики Узбекистан. Особое внимание уделено вопросам совершенствования деятельности местных представительных органов, расширения их полномочий, укрепления финансовой самостоятельности и развития механизмов общественного участия. Разработаны научно обоснованные предложения по повышению эффективности представительной власти на основе принципа субсидиарности.
Ключевые слова: принцип субсидиарности, представительная власть, местные Кенгаши народных депутатов, местное государственное управление, децентрализация, местная демократия, парламентский контроль, местный бюджет, общественное участие, государственное управление.

MECHANISMS FOR APPLYING THE PRINCIPLE OF SUBSIDIARITY IN THE EXERCISE OF REPRESENTATIVE GOVERNMENT

Abstract This paper examines the theoretical and legal foundations of the principle of subsidiarity and its role in the implementation of representative government. It analyzes international experience in applying the subsidiarity principle and evaluates the legal and institutional mechanisms for its implementation within the system of local public authorities in Uzbekistan. Particular attention is paid to strengthening the capacity of local representative councils, expanding their powers, enhancing financial autonomy, and promoting public participation in decision-making. The study proposes practical recommendations aimed at improving the effectiveness of representative government through the implementation of the subsidiarity principle.
Keywords: principle of subsidiarity, representative government, local Councils of People's Deputies, local public administration, decentralization, local democracy, parliamentary oversight, local budget, public participation, public governance.

Кириш: Бугунги кунда демократик давлат қурилишида давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг самарали моделларини жорий этиш, давлат бошқарувини аҳоли манфаатларига яқинлаштириш ҳамда маҳаллий вакиллик органлари ваколатларини кенгайтириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Бу жараёнда давлат ҳокимияти тизимида марказлаштириш ва марказсизлаштириш ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган муҳим тамойиллардан бири сифатида субсидиарлик принципи алоҳида аҳамият касб этади. Субсидиарлик принципи бошқарув қарорлари фуқароларга энг яқин бўлган даражада қабул қилиниши лозимлигини назарда тутади. Юқори даражадаги давлат органлари эса фақат қуйи бўғинлар мустақил ҳал эта олмайдиган вазифаларни амалга ошириши керак. Мазкур принцип ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини ошириш, аҳоли иштирокини кенгайтириш ва давлат бошқаруви самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириш, халқ депутатлари Кенгашлари ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий бюджетлар мустақиллигини таъминлаш ҳамда жамоатчилик иштирокини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнларда субсидиарлик принципини ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан жорий этиш вакиллик ҳокимияти самарадорлигини янада оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблиги кўра ҳозирги босқичда маҳаллий вакиллик органлари фаолиятида айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан: маҳаллий Кенгашларнинг молиявий мустақиллиги чекланганлиги; қарор қабул қилиш жараёнларида аҳоли иштирокининг етарли даражада эмаслиги; маҳаллий ташаббусларни амалга ошириш механизмларининг тўлиқ шаклланмаганлиги.

Мазкур муаммоларни ҳал этишда субсидиарлик принципини амалиётга кенг татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур принцип қарорларни қабул қилишда маҳаллий даражанинг устуворлигини таъминлайди, давлат хизматларини аҳоли эҳтиёжларига мослаштиради ҳамда бошқарув тизимида ҳисобдорлик ва очиқликни кучайтиради. Айниқса, Янги Ўзбекистон шароитида давлат бошқарувини халқ манфаатларига хизмат қилувчи тизим сифатида шакллантириш концепцияси субсидиарлик принципини янада долзарб масалага айлантирмоқда.

Субсидиарлик принципининг назарий асосларига кўра "Subsidiarity" атамаси лотинча subsidium сўзидан келиб чиққан бўлиб, "ёрдам бериш", "қўллаб-қувватлаш" маъноларини англатади. Сиёсий-ҳуқуқий назарияда ушбу принцип давлат вазифаларини энг қуйи ва фуқароларга яқин бўлган бошқарув даражасида амалга ошириш ғоясига асосланади.

Субсидиарлик концепциясининг шаклланишида католик ижтимоий таълимоти, федерализм назарияси ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш концепциялари муҳим ўрин тутади. Кейинчалик мазкур принцип Европа давлатлари давлат бошқаруви тизимида кенг қўлланила бошлади. Замонавий илмий адабиётларда субсидиарлик принципининг қуйидаги асосий хусусиятлари ажратиб кўрсатилади: давлат ваколатларини оқилона тақсимлаш, маҳаллий бошқарув мустақиллигини таъминлаш, марказлашувни чеклаш, фуқаролар иштирокини кенгайтириш, давлат хизматлари сифатини ошириш, бошқарувнинг очиқлиги ва ҳисобдорлигини кучайтириш.

Мазкур принципнинг амал қилиниши натижасида маҳаллий даражада қарор қабул қилиш тезлашади, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинади ҳамда давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги ортади. Вакиллик ҳокимияти нуқтаи назаридан субсидиарлик принципи халқ депутатлари Кенгашларининг конституциявий мақомини мустаҳкамлаш, уларнинг назорат функцияларини кучайтириш, маҳаллий бюджетларни шакллантиришда мустақиллигини кенгайтириш ва аҳоли билан мулоқот механизмларини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, субсидиарлик принципи марказий ва маҳаллий давлат органлари ўртасидаги муносабатларни қайта кўриб чиқишни, ваколатларни аниқ чегаралашни ҳамда ҳар бир даражанинг масъулиятини белгилашни талаб қилади. Бу эса давлат бошқарувида такрорланувчи функцияларни қисқартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва бошқарув сифатини ошириш имконини беради.

Субсидиарлик принципини вакиллик ҳокимиятида қўллашнинг хорижий тажрибаси ва Ўзбекистондаги амалиёти.

Ҳозирги кунда субсидиарлик принципи демократик давлатларда давлат бошқарувини ташкил этишнинг энг муҳим ҳуқуқий ва институционал тамойилларидан бири ҳисобланади. Ушбу принцип маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини таъминлаш, қарор қабул қилиш жараёнида аҳоли иштирокини кучайтириш ҳамда давлат хизматларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Субсидиарлик принципининг ҳуқуқий асослари, аввало, Европа давлатлари тажрибасида шаклланган. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Маастрихт шартномаси мазкур принципни Европа Иттифоқининг асосий конституциявий тамойилларидан бири сифатида белгилади. Унга кўра, қарорлар имкони борича фуқароларга энг яқин бўлган бошқарув даражасида қабул қилиниши лозим. Марказий органлар эса фақат маҳаллий ёки минтақавий даражада самарали ҳал қилиб бўлмайдиган вазифаларни бажариши керак. Европа Кенгашининг 1985 йилда қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг Европа хартияси» ҳам субсидиарлик принципининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди. Хартияга мувофиқ, давлат вазифаларини амалга оширишда аҳолига энг яқин бўлган органлар устувор ҳисобланади ҳамда уларнинг молиявий ва ташкилий мустақиллиги кафолатланиши лозим. Францияда эса сўнгги ўн йилликларда амалга оширилган децентрализация ислоҳотлари маҳаллий вакиллик органларининг ҳуқуқий мақомини сезиларли даражада мустаҳкамлади. Департамент ва регион кенгашлари ижтимоий соҳалар, транспорт, таълим, ҳудудий иқтисодий ривожланиш ва маҳаллий инвестиция дастурларини амалга оширишда мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Мазкур давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, субсидиарлик принципининг самарали амал қилишида ваколатларнинг қонунчилик асосида аниқ тақсимланганлиги, маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллиги, вакиллик органларининг ижро ҳокимияти устидан таъсирчан назорати, жамоатчилик иштирокининг институционал механизмлари, маҳаллий кенгашлар қарорларининг ҳуқуқий кафолатланганлиги.

Ўзбекистонда субсидиарлик принципини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари кўра Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг халқ манфаатларини ифода этиши, давлат ишларини бошқаришда аҳоли иштирокини таъминлаши ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни мустақил ҳал этишига оид қоидалар янада мустаҳкамланди. Сўнгги йилларда халқ депутатлари Кенгашларига маҳаллий бюджетларни тасдиқлаш, ҳокимлар ҳисоботларини эшитиш, ҳудудий дастурларни муҳокама қилиш, доимий комиссиялар орқали назоратни амалга ошириш каби қатор қўшимча ваколатлар берилди. Шу билан бирга, маҳаллий бюджетларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳам муайян даражада мустақиллик кенгаймоқда. «Ташаббусли бюджет» механизмининг жорий қилиниши аҳолининг бюджет маблағларини тақсимлашда бевосита иштирокини таъминлаб, субсидиарлик принципининг амалий кўринишларидан бирига айланди. Фуқаролар йиғинлари, жамоатчилик эшитувлари, электрон мурожаатлар, очиқ бюджет портали ва жамоатчилик муҳокамалари каби механизмлар ҳам давлат бошқарувини аҳолига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, айрим ҳолларда жамоатчилик иштирокининг ҳуқуқий механизмлари мавжуд бўлса-да, уларнинг амалий самарадорлиги пастлигича қолмоқда. Демак, Ўзбекистонда субсидиарлик принципини тўлиқ жорий этиш учун нафақат ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, балки институционал, ташкилий ва молиявий механизмларни ҳам комплекс равишда ривожлантириш зарур. Бу эса маҳаллий вакиллик органларининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш ҳамда демократик бошқарув сифатини янада ошириш имконини беради.

Вакиллик ҳокимиятида субсидиарлик принципини такомиллаштиришда халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасидаги ваколатларни қонун даражасида аниқ чегаралаш мақсадга мувофиқ ва маҳаллий бюджетларнинг ўз даромад манбаларини кенгайтириш, айрим солиқ ва йиғимларни маҳаллий даражада бошқариш имкониятларини ошириш, субсидиарлик принципини баҳоловчи миллий индикаторлар тизимини ишлаб чиқиш. Бунда маҳаллий қарорларнинг мустақил қабул қилиниши, аҳоли иштирокининг даражаси, бюджет мустақиллиги ва давлат хизматлари сифати каби кўрсаткичлар асос қилиб олиниши ҳамда

аҳолининг қарор қабул қилиш жараёнларида иштирокини кенгайтириш учун рақамли демократия инструментларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Электрон жамоатчилик муҳокамалари, онлайн овоз бериш ва электрон петиция институтларини такомиллаштириш субсидиарлик принципининг амалий таъсирини кучайтиради.

Хулоса

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, субсидиарлик принципи демократик давлат бошқарувининг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий асосларидан бири ҳисобланади. У давлат вазифаларини фуқароларга энг яқин бўлган бошқарув даражасида амалга ошириш орқали маҳаллий демократияни ривожлантириш, давлат хизматлари сифатини ошириш ҳамда бошқарувнинг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашга хизмат қилади. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни тасдиқлайдики, субсидиарлик принципининг самарадорлиги, энг аввало, ваколатларнинг аниқ тақсимланиши, маҳаллий бюджет мустақиллиги, вакиллик органларининг таъсирчан назорати ҳамда жамоатчилик иштирокининг юқори даражаси билан белгиланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ва маъмурий ислоҳотлар мазкур принципни босқичма-босқич жорий этиш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратмоқда. Бироқ вакиллик ҳокимиятининг институционал салоҳиятини ошириш, маҳаллий Кенгашларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш ҳамда рақамли иштирок механизмларини ривожлантириш мазкур соҳадаги устувор вазифалар ҳисобланади.

Субсидиарлик принципини миллий давлат бошқаруви тизимига комплекс татбиқ этиш халқ депутатлари Кенгашларининг ҳақиқий вакиллик институти сифатидаги ролини кучайтиради, ҳудудларни барқарор ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда Янги Ўзбекистонда инсон манфаатларига йўналтирилган демократик давлат бошқарувини янада такомиллаштиришга муҳим ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни.
3. Яковлев А. А. Завещание Джона Локка, приверженца мира, философа и англичанина. — М.: Изд-во ин-та Гайдара, 2013. — 432 с. — ISBN 978-5-93255-357-2
4. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни. Мирзиёев Ш.М. 1-том Миллий тараққиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. М 54. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 541.
5. Robert David Putnam. The Comparative Study of Political Elites Englewood Cliffs, N.J.: Prentice-Hall, (1976
6. European Charter of Local Self-Government. Strasbourg, 1985.
7. Treaty on European Union (Maastricht Treaty). Maastricht, 1992.
8. OECD. Making Decentralisation Work: A Handbook for Policy-Makers. Paris, 2019.